Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 141 (4539).
24 июнь 1981 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

◆ Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқалар Ўзбекистон Комитетининг 23 июнь куни бўлиб ўтган йиллик йиғилиши 1980 йилги халқаро алоқалар соҳасидаги ишларига ва КПСС XXVI съезди қарорлари асосида маданий алоқаларни ривожлантириш вазифаларига бағишланди.

◆ Яман Халқ Демократик Республикасидан келган мусулмонлар делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга юстиция ва вақф ишлари министри Холид Фадл Мансур бошчилик қилмоқда.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VII сессияси 1981 йил 25 июнь соат 11.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 10.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

КЕЧА ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. СОВЕТ ХАЛҚИ ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИБ, ЕР ЮЗИДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН ҚАТЪИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДА.

СЕССИЯДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАЙСИ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚ СЎЗЛАДИ. ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИГА ВА ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ» ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИБ ЭШИТТИРДИ.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ БУГУН ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК





СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қўшма мажлиси. Минбарда — ўртоқ Л. И. Брежнев.

ТАСС-ЎзТАГ телефотоси.

ХАЛҚ сайлаб қўйган вакиллар Катта Кремль саройига Советлар мамлакатидаги жўшқин бунёдкорлик нафасини олиб келдилар: 23 июнь куни бу ерда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси иш бошлади. Совет халқи партия билан мустаҳкам бирликда, унинг синалган раҳбарлигида Ер юзида ялпи тинчликнинг таянчи — социалистик Ватан қудратини фидокорона меҳнат қилиб кўпайтирмоқда.

Тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, янги жаҳон урушига йўл қўймаслик — Коммунистик партия билан Совет давлатининг КПСС XXVI съездида тасдиқланган ташқи сиёсатининг юксак даражада инсонпарварлигидир. Тинчлик билан меҳнат бир-биридан ажралмасдир. Совет кишиларининг зарбдор меҳнати партия ишлаб чиққан тинчлик программасини рўёбга чиқаришнинг пухта негизларини вужудга келтиради.

СССР Олий Советининг сессияси эрталаб соат 11 да Иттифоқ Совети ҳамда Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громыко, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, В. И. Долгих, К. В. Русаков ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар сессиянинг кун тартиби ва иш тартибини якдиллик билан тасдиқладилар.

Сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР Олий Советининг Жаҳон парламентларига ва халқларига мурожаатномаси тўғрисида.

2. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Қирғизистон ССРдан ўринбосарини ва СССР Олий Совети Президиумининг аъзосини сайлаш тўғрисида.

3. Уй-жой хўжалигини ривожлантириш, уй-жой фондидан фойдаланишни ва унинг сақланишини яхшилаш тўғрисида.

4. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги Қонуни Асослари лойиҳаси тўғрисида.

5. СССРдаги чет эл граждан-ларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

6. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Раислик қилувчи — Миллатлар Советининг Раиси **В. П. Рубен** кун тартибининг биринчи моддасини кўриб чиқишга киришишни таклиф қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Л. И. Брежневга** сўз берилади. Депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб, уни гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» мурожаатномаси лойиҳасини ўқиб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди бундай деб таъкидлади: «Дунёдаги ишларнинг ҳозирги аҳволи уруш хавфини тугатиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун янги, қўшимча куч-ғайратлар сарфлашни талаб қилади... Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ».

Съезд халқаро вазиятнинг жиддийлигини эътиборга олиб, тинчликни мустаҳкамлашнинг конкрет программасини ўртага қўйди, ҳозир бу программа жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бизнинг партиямиз ҳам, Совет ҳукумати ҳам шу программани турмушга татбиқ этиш учун сабот билан ишлашни давом эттирмоқдалар.

КПСС съездидан кейинги уч ой мобайнида халқаро воқеаларнинг бориши партиямиз чиқарган хулосаларнинг ҳаққонийлигини янада ишонарли тарзда тасдиқлади.

Америка империализми бошчилигида урушқоқлик кайфиятидаги милитаристик доиралар мислисиз миқёсда қуролланиш пойгасини авж олдириб юбордилар. Улар қуролланиш жараёнини тўхтатиш тўғрисидаги, можаролар манбаларини тугатиш ва низоли халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш ҳақидаги музокаралардан бўйин товламоқдалар. Улар ўз гумашталарининг ошкора агрессия ва халқаро бандитизм ҳаракатларини ялпи-май-нетмай рағбатлантирмоқдалар. Дунёдаги вазиятнинг кескинлашаётганлиги тобора хатарли тус олмоқда. Кенг омма бу хатарни тобора яқинроқ тушунмоқда, милитаристларнинг активлигига қарши норозилик овозлари баралла эшитилмоқда.

Мана шундай шароитда авантюристларнинг режаларини барбод қилиш, тузатиб бўлмайдиган хато содир бўлишига йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолиш учун барча тинчликсевар мамлакатлар ва халқларнинг масъулияти бениҳоя катта.

Биз, совет кишилари шу масъулият мезонини алоҳида сезгирлик билан фаҳмлаб турибмиз. Бундан роппа-роса 40 йил муқаддам гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига қилган ёвузларча ҳужуми билан бошланган немис-фашист агрессорларини тор-мор этиш соҳасидаги урушнинг оғир тажрибасини орттирганмиз. Бу уруш халқимиз ва умуман ер юзидаги ҳар қандай халқ бошига тушган ҳамма урушлар орасида энг оғир уруш бўлди. Биз агрессорга қарши муқаддас жанг қилганимизда шон-шуҳратни эмас Ер юзида ҳаёт бўлишини ўйлаган эдик.

Халқимиз шу жангда ҳалок бўлган миллионлаб совет кишиларини ҳеч қачон унутмайди. Асло унутмайди!

Ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини ўрнимиздан туриб ҳурмат билан эсга олайлик. **(Ҳамма ўрнидан туради. Бир лаҳза сукунат чўкади).**

Биз ҳаммамиз яхши биламиз: потенциал агрессорга қарши турган тинчлик кучларининг қудрати илгари ҳеч қачон бу қадар зўр бўлмагай эди.

Аммо биз яна шуни биламиз: ҳозирги замон қуроли характерининг ўзи шундай бўлиб қолдики, башарти, бу қурол ишга солингудек бўлса, бутун инсониятнинг келажаги таҳлика остига қўйилган бўлур эди.

Бундан чиқадиган хулоса битта: тинимсиз қуролланиш ва ҳарбий авантюралар ишқибозларининг йўлини тўсиш учун ҳозир, шу бугуноқ ҳамма ишни қилиш керак. Одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳамма ишни қилиш керак. Зотан бу ишда четда турувчилар ва бепарволар бўлиши мумкин эмас, бу иш ҳаммага ва ҳар бир кишига даҳлдордир. Бу иш ҳукуматларга ва сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига ва, албатта, халқлар сайлаб қўйган ва халқларнинг номидан иш кўраётган парламентларга даҳлдордир.

Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатномаси» лойиҳасини сизларнинг мухокамангизга тақдим этадилар. Бу лойиҳада тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида актив ҳаракат қилишга, парламентларнинг юксак обрў-эътибори ва имкониятларидан тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида фойдаланишга даъват этилади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИГА ВА ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети уруш хавфи кучайганидан, қуролланиш пойгаси мислисиз авж олганидан ташвишланиб, жаҳон парламентларига ва халқларига мурожаат этади.

СССР Олий Совети гитлерчилар фашизми ватанимизга ҳужум қилган кунга 40 йил тўлган бир пайтда мурожаат қиляпти. Совет халқи урушда ҳалок бўлган йигирма миллион ватандошимизнинг порлоқ хотираси олдида бош эгади. Иккинчи жаҳон уруши бутун инсониятга беҳисоб кулфат ва азоб-уқубат келтирди. Биз агрессияга қарши, ер юзида тинчлик бўлсин, деб жон берган барча кишилар хотирасини сидқидилдан ҳурмат қиламиз.

Тарих дарсларидан сабоқ берди. Урушнинг олдини олишга, пайдо бўлган хавфни ўз вақтида даф қилишга муваффақ бўлинмаганлиги халқларга ҳаддан ташқари қимматга тушди. Фожианинг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди. Янги жаҳон урушига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилиш лозим ва мумкин.

Ер курраси ҳозирнинг ўзидаёқ оммавий қирғин қуролларига тўлиб-тошиб ётибди. Аммо бу қурол тинимсиз кўпайтирилмоқда, тобора кучли ва ҳалокатли қуроллар яратилмоқда. Ғарбий Европада юзлаб янги ядро ракеталари учун майдончалар тайёрланмоқда. Одамларни ядро қуролини ишлатишга йўл қўйиш мумкин, деган жинояткорона фикрга кўниктирмоқчи бўладилар.

Сиёсий кескинлик кучайтирилмоқда. Яна ҳарбий устунликка эришишга умид боғланмоқда, дўқ-пўписа ишга солинди. Бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ишларига аралашишга ошкора даъво қилинмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси «совет ҳарбий хавфи» деган қўпол уйдирма билан ниқобланмоқда.

СССР Олий Совети тантанали равишда бундай дейди: Совет Иттифоқи ҳеч кимга хавф солаётгани йўқ. Ғарбдаги ёки Шарқдаги биронта давлат билан мухолифлик қилишга интилаётгани йўқ. Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка интилгани йўқ ва интилмайди ҳам. У қуролланиш пойгаси янги даврларининг ташаббускори бўлгани йўқ ва бўлмайди ҳам. У қурол-яроғларнинг ҳар қандай турини ўзаро асосда, бошқа давлатлар билан келишиб чеклашга, тақиқлашга розилигини айтмоқда.

Тинчликни таъминлаш совет давлати ташқи сиёсатининг олий мақсади бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади. 80-йиллар учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди қабул қилган Тинчлик программаси шу мақсадга қаратилган. Бу программа ракета-ядро қуролини ҳам, шунингдек оддий қуролларни ҳам қискартиришга доир тадбирларни ўз ичига олади, мавжуд можаролар ва танглик вазиятларини бартараф этишга ҳамда янги можаролар ва танглик вазиятларининг олдини олишга доир таклифларни акс эттиради, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ҳамда барча қитъалардаги мамлакатларнинг тинч ҳамкорлигини ривожлантиришга интилишини ифодалайди. Бу программа Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизликнинг барча актуал масалалари юзасидан музокаралар олиб боришга, бошқа давлатларнинг ҳар қандай амалий ғояларига эътибор билан қарашга тайёр эканини изҳор этади.

Бизнинг ядро асримизда тинчлик, хавфсизлик, келажакка ишонч ҳаммага зарур бўлганидек, мулоқот, музокаралар ҳам баб-баравар ҳаммага зарурдир. Ҳозир низоли проблемалар нақадар ўткир ва мураккаб бўлмасин, уларни музокаралар йўли билан ҳал этишдан бўлак оқилона ўсул йўқ. Мавжуд имкониятлардан биронтаси бой берилмаслиги керак. Вақт ганимат!

Музокаралар учун фойдаланилмай қолган ҳар бир кун ўта борган сари ядро можароси хавфи кучаяверади. Ҳар бир халқ олдида ва барча халқлар олдида турган муҳим муаммоларнинг ҳал этилиши бир чеккага сурилиб қолади! Вақт ганимат!

Шу кунларда ўз ҳаракатлари билан қуролланиш пойгасини, дунёда одамларни оммавий равишда қирадиган воситаларнинг янада тўпланишини рағбатлантираётган, лавлагилар ўртасидаги низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатиш тўғрисида жар солаётган, ёки ҳозир дунёни гафлатда қолдирувчи хавф-хатарни кўриб ўзини кўрмасликка олаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳақиқатда инсониятни жаҳаннамга судрамоқда.

СССР Олий Совети барча мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органларига мурожаат қилиб, ракета-ядро қуроллари пойгасининг янги даврасига йўл қўймасликнинг натижасини кўзловчи музокараларни — олдиндан ҳеч қандай шартлар қўйилмайдиган ёки буйруқбозлик қилишга уринилмайдиган ҳалол; тенг ҳуқуқли музокараларни қатъият билан ёқлаб чиқишга даъват этади.

СССР Олий Совети ўз мурожаатномаси ҳозирги замоннинг мана шу энг муҳим, энг ўткир масаласига муносиб тарзда зўр эътибор билан кўриб чиқилишга умид қилади. Парламентлар қуролланиш пойгасини жиловлашга ва қуролсизланишга музокаралар йўли билан самарали равишда эришиш учун зарур имкониятларга ва обрў-эътиборга эга эканликларига СССР Олий Советининг ишончи комил. Ўз томонидан СССР Олий Совети музокаралар якунида ижобий натижаларга эришишга кўмаклашадиган муҳитни яратишга бундан буён ҳам ўз ҳиссасини қўшаверади.

Тинчлик — инсониятнинг муштарак мулкидир, бизнинг замонамизда эса ҳаёт кечиришнинг энг биринчи шартидир. Биргаликдаги куч-ғайратлар билангина тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкам таъминлаш мумкин ва лозим.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ОЛИЙ СОВЕТИ.

Москва, Кремль. 1981 йил 23 июнь.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси

22 июнда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети бешинчи сессияси кун тартиби ва иш тартиби масалалари муҳокама қилинди.

Шу масала юзасидан Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков ахборот берди.

Мажлисни Миллатлар Советининг Раиси Б. П. Рубен олиб борди.

Оқсоқоллар кенгашининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Б. Б. Кузнецов ва СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе қатнашдилар.

(ТАСС).

УЙ-ЖОЙ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ВА УНИ АСРАШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА СССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат И. В. АРХИПОВ доклади

СССР Олий Советининг ушбу сессияси бутун мамлакатда замонамизнинг буюк воқеаси бўлиб қолган КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида жўшқин ишлар авж олиб кетган бир даврда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда партия Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади ва съезднинг қарорларини барча совет кишилари сиёсий, назарий ва ташкилий аҳамиятга молик ҳужжатлар, деб қабул қилдилар. Бу ҳужжатларда жамиятимиз ривожининг ҳаётий муҳим проблемалари атрофлича таҳлил этилди, бу проблемаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди.

КПСС XXVI съездининг қарорларини, деди докладчи, барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари ялқдиллик билан қўллаб-қувватладилар, бу ҳужжатлар мамлакатда ижодий жўшқинликнинг муҳитини вужудга келтирди, янги ватанпарварлик ташаббусларининг манбаи бўлди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, унинг замонамиз атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик учун, коммунизм идеаллари учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини астойдил маъқулламоқдалар.

Партия билан халқнинг бутун куч-ғайрати хўжалик фаолиятининг энг зарур вазифаларини бажаришга, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга, катта социал масалаларни ҳал этишга, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, ленинча ташқи сиёсатни амалга оширишга қаратилган. Бу йўл съезд қарорларини тўла-тўкис амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун меҳнат коллективларидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёзганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Коммунистик партия билан Совет давлати КПСС XXV ва XXVI съездлари ўртага қўйган вазифаларни муттасил амалга ошира бориб, социализмнинг асосий иқтисодий қонунига, шунингдек одамларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини гоят тўла-тўкис қондириш — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканини белгилаб қўйган СССР Конституциясига мувофиқ иш тутмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида бундай деб таъкидлади:

«Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун деган ўзгармас программавий талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Партия билан Совет давлати халқнинг турмуш даражасини ҳар томонлама юксалтириш йўлини амалга ошираниди одамларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга донмо эътибор бермоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги уй-жой қуриш, уни жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш, уй-жой фондининг сақланишини таъминлаш, шунингдек квартира ҳақининг озлиги бу соҳадаги сиёсатнинг таркибий белгиларидир. СССРдаги квартира ҳақи ишчи ва хизматчилар оилалари даромадларининг ўрта ҳисобда уч процентидан ошмайди. Айни вақтда бир қанча капитал мамлакатларида меҳнаткашлар уй-жойга ҳақ тўлаш учун ўз иш ҳақининг тахминан бешдан бир қисмини сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу — фақат социалистик жамият инсоннинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини гарантиялашнинг, социализм шароитидагина уй-жой проблемаси муваффақиятли ҳал этилиши мумкинлигининг яққол исботидир.

Совет ҳокимияти йилларида 3,5 миллиард квадрат метр уй-жой, шу жумладан давлат ва жамоат уй-жой фонди ва уй-жой қуриш кооперативларининг уйларида сал кам икки миллиард квадрат метр турар жой фойдаланиш учун топширилди.

Шаҳарлардаги умумлаштирилган уй-жой фонди юксак мукаммаллик даражаси билан ажралиб туради: ҳозир уй-жой хўжалигининг асосий фондлари қиймати 339 миллиард сўмликка боради ёки мамлакатдаги жамики асосий фондлар қийматининг қарийб бешдан бир қисмига тўғри келади. Бу — халқнинг жуда катта бойлиги!

Энди биз жиддий социал проблемалардан бирини муваффақиятли ҳал этишимиз — ҳар бир оилага алоҳида квартира беришимиз мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар аҳолисининг 80 процентга яқини мана шундай квартираларда истиқомат қилмоқда.

Шу билан бирга меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлашда ҳали катта ишлар қилиш керак. Шундан кейин докладчи беш йилликда ва 1990 йилгача бўлган даврда уй-жой қурилиши программасини рўёбга чиқариш, унинг сифатини ошириш проблемаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Квартираларнинг тузилиши ва пардозини яхшилашни, уларнинг қулайлигини оширишни кўзда тутган янги типовой лойиҳаларга мувофиқ уй-жой биноларини қуриш ҳажми ошди. Москва, Ленинград, Минск, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги уй-жой биноларининг анчагина қисми мана шундай лойиҳалар асосида қурилмоқда.

Бироқ уй-жой қурилишида ҳали бир талай катта камчиликлар бор. Уй-жойларни қуриш муддатлари баъзан чўзиб юборилмоқда, ишларни бажаришда узоқ муддатли узилишларга йўл қўйилмоқда, шунинг оқибатида иморатларнинг битказиб қўйилган қисми яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Биноларни камчиликлари билан фойдаланиш учун топшириш ҳоллари тугатилгани йўқ, бу эса қўшимча меҳнат ва моддий ресурслар сарфланишига сабаб бўлмоқда. Докладчи биноларни одамларнинг кўчиб кириши учун қабул қилиш топширилган кишиларнинг шахсий масъулиятини ошириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Мамлакатимизда барпо этилган катта ҳажмдаги уй-жой фонди, унинг бундан буёнги ривожи унинг лозим даражада сақланишини таъминлаш ва ундан фойдаланишни яхшилаш вазифасини диққат марказига қўяди. Эндиликда бу вазифанинг аҳамияти янги қурилишнинг аҳамиятидан оз эмас, дейиш мумкин.

Ҳозир уй-жойларнинг сақланишини таъминлаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Бу мақсадлар учун катта маблағ ажратилмоқда. Бултур уй-жой фондини сақлаш ва ремонт қилишга давлатнинг ўзи тўрт миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфлади. Бир қанча шаҳарларда иморатлардан техникавий фойдаланишни ташкил этиш яхшиланди. Инженерлик асбоб-ускуналарини модернизациялашга, ремонт ишларини механизациялашга кўп эътибор берилмоқда.

Бироқ кўпинча уйларни жорий ва капитал ремонт қилиш ўз вақтида ўтказилмаяпти ва бу ишларнинг сифати ҳам паст бўляпти, ишларни бажариш муддатлари пайсалга солиняпти, бу эса биноларнинг бевақт емирилишига олиб бормоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси граждан лар учун каттагина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда ва уларнинг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлмоқда. Шу пайтга қадар биноларни ремонт қилиш ва йиғиштириш-тозалаш ишлари, одатда қўл билан бажарилмоқда, бу эса ходимларни кўплаб талаб қилмоқда. Шу муносабат билан уй-жой қурилишига механизацияни ва меҳнатни ташкил этишнинг янги илғор формаларини жорий қилиш зарурати келиб чиқади.

Нотиқ уй-жой фондидан фойдаланишдаги муҳим камчиликларни ҳам уқтириб ўтди. Қуриб битказилган ва фойдаланиш учун топширилган уйларга узоқ вақтгача одамларни кўчириб киритмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Бир қанча жойлардаги айрим квартиралар магазинларга, ателье ва идораларга ажратиб берилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари олдида, деди у, шу масалаларни ҳал этишга тағин ҳам қаттиққўллик билан принципиал ёндашишни таъминлаш масаласи турибди.

Уй-жой хўжалигини ривожлантиришда халқ депутатлари Советлари алоҳида роль ўйнайдилар. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида уй-жой хўжалигини идора қилиб, турар жойлардан фойдаланишни ва уларнинг сақланишини яхшилаш соҳасида маҳаллий Советларга бериб қўйилган ваколатлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш юзасидан бир талай фойдали таклифлар тушди.

Докладчи мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида уй-жой биноларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш соҳасидаги ижобий тажрибани таҳлил этиб берди. Идораларга қарашли турар жойларни халқ депутатлари маҳаллий Советларига топшириш уй-жой фондидан янада самарали фойдаланишга, унинг сақланишини таъминлашга кўмаклашади, деб уқтирди у. СССР Госплани, СССР Госснаби, бир қанча министрликлар ва идоралар олдида қурувчилар билан ремонтчиларни зарур материаллар ва техника билан таъминлаш вазифалари қўйилган.

Бугун, деди сўнгра нотиқ, депутатларнинг муҳокамасига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги Қонунини асосларининг лойиҳаси тақдим этилган. Бу лойиҳа СССР Конституцияси қоидаларига, партия XXV ва XXVI съездларининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларига биноан, шунингдек иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларининг, СССР Министрликлари ва идораларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, кенг жамоатчиликнинг таклифларини эътиборга олиб тайёрланган.

Илгари гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқларини, шунингдек, уй-жойдан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашнинг асосий масалалари комплекс равишда ҳал этилган ягона иттифоқ қонуни йўқ эди. Бу масалалар юзасидан кўп миқдордаги норматив актлар мавжуд бўлиб, улар асосан турли вақтларда қабул қилинган республика қонунларидан иборатдир, уларнинг анчагинаси кўп жиҳатдан эскариб қолган.

Тақдим этилган асослар лойиҳасида амалдаги уй-жой қонунларининг практикада ўзини оқлаган энг муҳим нормалари сақлаб қолинган. Унда қонуннинг вазифалари таърифланган, мамлакат уй-жой фондининг состави ва унинг идора қилиш тартиби белгиланган. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқ доираси чегаралаб берилган.

Асослар лойиҳасида СССР Конституциясидан келиб чиқадиган бир қанча янги қоидалар баён этилган. Гражданларнинг давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги турар жойлардан муттасил фойдаланиш ҳуқуқи қонун тарзида мустаҳкамлаб берилган. Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган кишиларга турар жойлар, одатда, ҳар оилага алоҳида квартира тарзида берилиши кўзда тутилган.

Асослар лойиҳасида биринчи навбатда уй-жой олиш ҳуқуқи бериладиган гражданларнинг категориялари кўрсатилган. Улуғ Ватан урушининг инвалидлари, ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган жангчиларнинг оилалари, кўп болали оилалар, қаҳрамон оналар, ёлғиз оналар ва бошқа баъзи гражданлар шулар жумласига киритилган.

Партия XXVI съездининг виждонан ишловчи ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириш йўлидаги кўрсатмалари эътиборга олиниб, узоқ муддат бир корхонада виждонан ишлаган ишчи ва хизматчилар биринчи навбатда уй-жой олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар, деб кўрсатилган.

Асослар лойиҳасида гражданлар ўзлари ишлаб турган уйни эҳтиёт қилиб сақлашга, турар жойдан фойдаланиш қоидасига ҳамда социалистик турмуш қоидасига риоя қилишга, сув, газ, электр ва иссиқлик энергиясини тежаб-тергаб сарфлашга мажбур эканликлари уқтирилган. Уй-жой биноларини ва турар жой хоналаридан шахсий бойлик орттириш мақсадида ва бошқа гаразли мақсадларда, жамият манфаатларига зарар келтирган тарзда фойдаланилиши мумкин эмас.

Маҳаллий Советлар ва бошқа давлат органлари уй-жой фондининг сақланишини таъминлашда кўпроқ ташаббускорлик ва қатъият кўрсатишлари, ўзининг социалистик мулкини эҳтиёт қилиб асраш тўғрисидаги гражданлик бурчини унутиб қўйган кишилардан қаттиқ жавоб талаб қилишлари керак.

Маълумки, уй-жой тўғрисидаги Қонун асосларининг лойиҳаси ўтган йилнинг май ойида марказий ва республика матбуотида жамоатчиликнинг муҳокама этиши учун эълон қилиниган эди. Бу муҳокамада кўпгина гражданлар, шунингдек меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари актив қатнашдилар. Лойиҳа юзасидан 20 мингдан кўпроқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Бу совет кишилари гоят зўр активлигининг, улар давлат ишларини ҳал этишдан. Коммунистик партия белгилаган иқтисодий ва социал ривожланиш режалари амалга оширилишидан астойдил манфаатдор эканликларининг яққол далилидир.

Гражданлар ўз хатларида халқ фаровонлиги тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун, гражданларнинг уй-жойли бўлиш борасида Конституцияга ёзиб қўйилган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилаётганлиги учун партия билан Совет давлатига чин кўнгилдан ташаккур изҳор этмоқдалар.

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги Қонун асослари қабул қилиниши, деди пировардида докладчи, уй-жой хўжалигини янада ривожлантириш ҳамда уй-жой фондининг сақланишини, уй-жойнинг одилона тақсимланиши, уй-жой масалалари ҳал этилиши соҳасида совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш учун, шунингдек уй-жой хўжалигини идора қилишда меҳнат коллективларини ва жамоатчиликнинг янада кенг иштирок қилиши учун яхши ҳуқуқий замин яратади.

СССР Олий Советининг «Уй-жой хўжалигини ривожлантириш, уй-жой фондидан фойдаланишни ва унинг сақланишини яхшилаш тўғрисида» депутатлар муҳокамасига тақдим этилган қарор лойиҳасида иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бу соҳадаги вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгиланган. Бу органлар ҳозирги беш йиллик планларини тузиш пайтида уй-жой хўжалигини комплекс ривожлантиришга ҳамда уни аҳолига кўрсатиладиган уй-жой ва коммунал хизмат даражасини янада ошириш мақсадида зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор беришлари керак.

Давлат ва жамоат органлари, меҳнат коллективлари ва гражданлар СССР Олий Совети қабул қилган янги Қонун актларини изчиллик билан амалга оширишлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг совет халқи фаровонлигини муттасил оширишга қаратилган йўлини рўёбга чиқаришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. **(Қарсаклар).**

(ТАСС).

*** Доклад қисқартириб босилмоқда.**

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

(Бошқ биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **В. В. Щербицкий** музокараларни бошлаб, шу гапларни айтди: бизнинг сессиямиз ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул аҳамиятга молик ҳужжатни кўриб чиқмоқда. Бунда гап планетамизни термоядро уруши фалокатидан қутқазиб қолиш тўғрисида боряпти.

Тинчликни сақлаш, деб таъкидлади нотиқ, партиямизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги асосий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. КПССнинг XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан Тинчлик программаси ҳозирги кунда халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлидаги курашда ишончли компас бўлиб қолди. Бу программада баён этилган қоидалар СССРнинг янги Конституциясида қонун билан мустаҳкамлаб берилди ва партиямизнинг XXVI съезди ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик учун, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашга қўшаётган бебаҳо ҳиссасини таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас.

Ленин мактабининг атоқли арбоби, урушнинг биринчи кунидан бошлаб охирги кунигача унинг оловли йўлларини босиб ўтган ва тинчликнинг қадр-қимматини яхши билган Леонид Ильич Брежнев, деди депутат, ҳозиргидек мураккаб ва ташвишли бир пайтда партиямизга ва давлатимизга бошчилик қилаётганлиги ҳамда ўзига хос буюк масъулият туйғулари билан ялпи тинчлик манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя этаётганлиги халқимиз бахти, бутун инсоният бахтидир.

Бутуниттифоқ кардиология илмий марказининг бош директори депутат **Е. И. Чазов** бундай деди: Ер юзида тинчликни сақлаш тўғрисидаги даъват олимлар ва врачлар учун жуда азиздир. Кишилар ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилиш уларга шоширилган топширилган. Улар инсоният ҳозирги кунда қуролланиш пойгасини тўхтатиб қўймаган тақдирда, унинг бошидан нималар кечишини аниқ-равшан тасаввур этадилар.

Ҳозирги кунда, деб уқтириб ўтди нотиқ, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашдан ҳам юксакроқ вазифа йўқ. Афсуски, чет элларда бошқача фикрда бўлган кишилар оз эмас. Урушни ёқлаётган ва уруш хавфини камайтириб кўрсатишга уринаётган кишилар орасида олимлар ва врачлар ҳам бор. Кишиларнинг уруш муқаррар деган фикрга берилиб, унга қаршилик кўрсатиш иродасидан маҳкум бўлиб қолишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, деди Ленинграддаги «Большевичка» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моторист-тикувчиси, депутат **З. П. Самолетова**, — мурожаатни ўқиб берганлиги унинг аҳамияти ва жозиба кучини янада оширади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан тортиб охиргача уруш ўти ичидан ўтди, партия ва давлат бошлиғи лавозимида бажарган буюк хизматлари уни бутун халқнинг меҳр-муҳаббати ва юксак халқаро иззат-ҳурматга сазовор қилди.

Мен СССР Олий Советининг депутати сифатида, она сифатида вайрон қилишни эмас, балки бунёд этишни, йўқотишни эмас, балки яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган барча меҳнаткашлар номидан айтаманки, биз урушни хоҳламаймиз! Биз партия ва давлатнинг инсонпарварлиг муқаддас ҳуқуқи — тинч яшаш ҳуқуқини таъминлаш борасида зўр ғайрат билан қилаётган ишларини астойдил маъқуллаймиз. Еримизнинг ядро култепасига айлантирилишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Депутат ленинградлаклар ўн биринчи беш йиллик вахтасида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганлиги тўғрисида гапиди. Биз, деб таъкидлади у, ҳар биримизнинг меҳнатимиз нечоғлик яхши натижа берса, совет халқининг фаровонлиги шу қадар юксак даражага кўтарилади, севикли Ватанимиз шу қадар қудратли бўлади, тинчлик гарантияси шу қадар мустаҳкам бўлади.

Биз, деди Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси депутат **Е. К. Федоров**, СССР Олий Советининг мурожаатини фашистлар Германияси мамлакатимизга ҳужум қилган кунга 40 йил тўлган бир пайтда қабул қилмоқдамиз. Бу сана империалистик реакция, милитаризм ва агрессия кучларига нисбатан хушёр бўлиб туришга даъват этади. Ана шу кучлар уруш тамом бўлар-бўлмас янги урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Ўшандаёқ жаҳон устида атом уруши хавфи пайдо бўлган эди.

Ер юзининг ҳамма қисмидаги яхши ниятли кишиларни жипслаштирган тинчлик тарафдорлари жаҳон ҳаракати халқларнинг атом уруши хавфига қарши жавоби бўлди.

Ҳозирги кунда ГФРда, Англия, Бельгия, Голландия, Данияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида, АҚШда ва Канадада урушга қарши оммавий ҳаракат янада кучайиб бормоқда. Миллионларча кишилар тинчликни ҳимоя қилиш ва қуролсизланиш тўғрисидаги, Американинг ўртача олисликдаги янги ракеталарини Европада жойлаштиришга қарши, нейтрон қуроли ишлаб чиқара бошлашга қарши аризалар ҳамда хитобномаларга имзо чекмоқдалар. Ҳозирги кунда халқларнинг жавоби ана шундайдир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Т. Я. Киселев** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: мурожаат лойиҳаси КПССнинг, Совет давлатининг тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликнинг юмшатилишини сақлаш, қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш учун ҳамма чораларни кўришга қаратий қарор берганлигини исбот этувчи янги далилдир.

Ҳозирги шароитда бу вазифани дарҳол ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Империализмнинг, хусусан Америка империализмининг агрессив доиралари кескинликни авж олдираётган, босқинчиларча қиличини яланғочлаб, жаҳонни термоядро уруши фалокати сари тортаётган бир пайтда халқларнинг виждони бунга тоқат қилолмайди.

Бизнинг мамлакатимиз, деди депутат, ҳеч кимга таҳдид қилгани йўқ ва таҳдид қилмайди. Совет кишиларининг улуғвор бунёдкорлик планлари бор. Бу планларнинг асосий йўналиши халқ бахт-саодати манфаатларини кўзда тутади. Бу эса аввало мустаҳкам тинчликни ҳам тақозо этади. Бутун мамлакатимиз каби Белоруссия меҳнаткашлари ҳам КПССнинг Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, мустаҳкам тинчлик учун курашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокаралар тамом бўлди.

Депутатлар СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига мурожаатномаси»ни якдиллик билан қабул қилдилар. Залда гулдурос қарсаклар янграйди. Бу қарсаклар тинчлик ва халқаро хавфсизлик йўлида актив ҳаракат қилишга, парламентларнинг юксак нуфузи ва имкониятларидан тинчлик ҳамда халқаро ҳамкорлик йўлида фойдаланишга даъват этувчи ана шу муҳим ҳужжат астойдил маъқулланганлигини ифода этди.

Олий Совет кун тартибидаги иккинчи масалани кўриб чиқишга киришади.

Депутат **Т. У. Усубалиев**нинг таклифига биноан, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Т. Х. Кошоев** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланди. Депутат А. Дуйшеев Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлиги ва ССР Конституциясига мувофиқ лавозими бўйича СССР Министрлар Совети составига кирганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди.

Депутат **И. Е. Поляков**нинг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Т. Я. Киселев** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Шундан кейин СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **И. В. Архипов** «Уй-жой хўжалигини ривожлантириш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлашни яхшилаш ҳақида ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси ҳақида» доклад қилди.

Иттифоқ Совети уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссиясининг раиси депутат **Б. В. Конолев** шу масала юзасидан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиялари ҳамда уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Б. В. Коноплев қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: гражданларни шинам уй-жойлар билан таъминлаш — халқ хўжалигини муттасил барқарор ривожлантириш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтириш кенг программасининг таркибий қисмидир.

Депутат Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиялари ҳамда уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссиялари ССР ҳукуматининг сессиядаги докладида баён этилган, қонда ва хулосаларига қўшилганлигини билдирди.

Бу масалаларнинг муҳокама қилиниши уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида навбатдаги вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини белгилабгина қолмай, уй-жой фондини сақлашни таъминлаш, ундан фойдаланишни яхшилаш учун министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг, мансаблар шахслар ва гражданларнинг масъулиятини оширишга ҳам ёрдам беради.

Уй-жой қурилиши соҳасида камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар ҳали кўп. Кўпгина иттифоқдош республикалар, ССР министрликлари ва идоралари давлат томонидан уй-жой қурилишига ажратиб берилаётган капитал маблағларни тўлик ўзлаштиримаётирлар.

Уй-жой фондини авайлаб сақлашни таъминлаш — гоят муҳим вазифадир.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонун асосларининг қабул қилиниши, деб таъкидлади нотиқ, партиянинг совет кишиларининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорларини, ССР Конституциясининг гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Асослар лойиҳаси матбуотда эълон қилинди ва жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиганида умуман ҳамма томонидан маъқулланди. Бу ҳужжат жамоат контроли остида уй-жойларни ҳаққоний тақсимлашни, уй-жой фондига омилкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлашни, уй-жой масалаларини соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Асослар лойиҳаси гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқлари гарантияларини кучайтиришга, уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилашга, мамлакатда уй-жой масалаларини қонуний йўл билан тартибга солиш бирлигини таъминлашга қаратилган принципиал жиҳатдан янги қоидаларни белгилайди.

Асослар лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида тушган таклифлар палаталарнинг доимий комиссияларида умумлаштирилди ва синчиклаб кўриб чиқилди. Таклифларнинг кўпи ҳисобга олинди.

Депутат комиссиялар номидан гапириб, комиссияларнинг хулосаида баён этилган тузатиш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини тасдиқлашни таклиф этди. СССР Олий Советининг уй-жой қурилишини ривожлантириш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлашни яхшилаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини маъқуллаш ҳақида ҳам таклиф киритилади.

(ТАСС).

СОВЕТ—АНГОЛА ДЎСТЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

ЛУАНДА, 23 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Б. Усмонхўжаев бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси мамлакат Халқ мажлиси таклифига биноан расмий визит билан Ангола Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турибди. Делегацияни АХР Халқ мажлисининг раиси, АХР президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш қабул қилди. Совет парламент аъзолари, дейилади визит якунлари юзасидан бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг мактубини Ангола давлати бошлиғига топширдилар.

Совет Иттифоқи билан Ангола халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари, деб таъкидланди суҳбат давомида, тинмай мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Делегация аъзолари Ангола меҳнаткашларининг янги жамият қуриш учун, империализм ва ирқчилик кирдикорларига қарши кураши билан тўла бирдам эканликларини изҳор этдилар.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар халқ мажлиси ишчи комиссияларининг раҳбарлари ва аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувлар вақтида халқ Анголаси олий қонун чиқарувчи органи, виloятлардаги халқ мажлисларининг тузилиши ва фаолияти билан таништирилди. Ангола парламент аъзолари Советлар мамлакатининг вакилларига республикада МПЛА—Меҳнат партияси раҳбарлигида амалга ошираётган социал-иқтисодий ва маданий ўзгартишлар ҳақида гапириб бердилар. Улар тинчлик, кескинликни юмшатиш ва халқаро хавфсизлик учун курашда Совет Иттифоқининг ролига, халқларнинг миллий-озодлик курашига, шу жумладан Африкадаги курашга СССР кўрсатаётган ёрдамга юксак баҳо бердилар.

Совет делегацияси ҳозирги босқичда СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида, КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш соҳасида халқ депутатлари Советларининг фаолияти ҳақида анголалик ҳамкасбларига ахборот берди.

МПЛА—Меҳнат партиясининг ва АХР ҳукуматининг республика халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги куч-ғайратлари туфайли, тинчликсевар ташқи сиёсати, Африка Жанубида миллий-озодлик ҳаракатини принципиал жиҳатдан қўллаб-қувватлаши туфайли Ангола халқаро майдонда зўр обрў-эътибор қозонди, деб таъкидлашди совет парламент аъзолари.

Томонлар дўстлик, ишонч, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро ҳамкорлик принципларига асосланган Совет—Ангола муносабатлари муваффақиятли равишда ҳар томонлама ривожланаётганлигини уқтириб ўтдилар. Улар СССР Олий Совети билан АХР Халқ мажлиси ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

Уамбо, Маланже, Кабинда, Шимолий Луанда виloятларидаги ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, партия ва жамоат ташкилотлари совет делегациясини самимий дўстона қабул қилдилар ва уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Делегация мамлакат бўйлаб қилган сафари вақтида анголаликларнинг ҳаёти ва меҳнати билан, уларнинг ирқчи Жанубий Африка Республикаси ва унинг малайлари агрессияси, Анголага қарши гуруҳларнинг террорчилик ҳаракатлари натижасида зарар кўрган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари билан таништилар.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
24 ИЮНЬ, 1981 й.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар



Беморларга ўз вақтида дори-дармон тайёрлаб бериш ҳам шифокорларимиз учун шарафли вазифадир. Шаҳримиздаги марказий дорихонада рецепт бўйича дори тайёрловчилар ўз ишларига диққат-эътибор ва масъулият билан қарашади. Шундай дори тайёрловчи ассистентлардан бири Раъно Пўлатовадир.

СУРАТДА: дорихона ассистенти Раъно Пўлатова.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

САРАТОННИ ЯХШИ ЎТКАЗИНГ

САРАТОН кўркам ёз фаслининг энг ҳароратли дамларидир. Бу вақтда бутун мавжудот, шунингдек инсонлар ҳам табиат инъомидан, саховатли қуёш нурларидан баҳраманд бўладилар. Табиатнинг бундай саҳий шароити инсон саломатлигига ижобий таъсир этади.

Ёз фаслининг неъматларидан, унинг ҳароратли кунларидан кишилар ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг тўла баҳраманд бўлиши учун бизнинг ўлкамизда барча имкониятлар яратилган. Дам олиш уйлари, санаторийлар, истироҳат боғлари, кинотеатрлар, бассейнлар эл хизматида. Бундай имкониятлардан фақат тўғри фойдаланишгина киши саломатлигини тиклашда ижобий натижа беради. Аммо саратоннинг ҳароратли дамларидан тўғри фойдаланмаслик киши соғлиғига ёмон таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Саратон кунларида об-ҳаво кескин ўзгариб туриши кўпчилик кишиларни безовта қилиб қўяди. Об-ҳавонинг тез ўзгариши, ҳароратнинг кўтарилиб кетиши энг аввало асаб системасига, сўнгра юрак-қон томирлари ва бошқа аъзоларга таъсир этади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ташқи муҳитдаги ўзгаришлар, яъни ер магнит майдони ва электр потенциали, қуёшнинг активлиги ҳамда ҳаво босимининг ўзгариши кўпчилик чиниқмаган, айниқса асаб системаси ёҳуд юрак фаолиятида етишмовчиликлар бўлган кишиларни безовта қилади.

Ҳар об-ҳавонинг ўзгариб туриши киши соғлиғига кескин таъсир этади. Ҳар қандай касалликни об-ҳавога боғлиқ эканлигини кишилар қадим замонлардан билишган. Абу Али ибн Сино эса, кўпгина касалликлар айниқса бод, жигар буйрак, асаб, юрак, қон томир касалликлари об-ҳаво паст келган вақтда ёҳуд эрта баҳор ва куз фаслида қайталанишини аниқлаган эди.

Ҳозирги замон медицинаси баъзи кишиларга метеорологик факторлар кучли таъсир этишини таъкидлайди. Чунки ўша кишиларнинг организми ҳаво босими, намгарчилик ва ҳароратнинг ўзгариб туришига яхши мослашмаган бўлади. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, қон босими, юрак сиқилиши касалликлари ва мияга қон қуйилиши (инсульт), юрак мушакларининг жонсизланиши (миокард инфаркти), ревматизм ҳамда нафас қисиши дардларининг кескинлашуви кўпинча об-ҳавонинг ўзгариши билан алоқадордир. Ёки кун иссиқ пайтларида киши организмида сув камайиши натижасида буйрак санчиб оғриши мумкин. Бунинг сабаби нимада, деган савол туғилади.

Шунга кўра, буюк олим, тиб илмининг отаси Абу Али ибн Сино саратон кунларида инсон организми кўпинча тўғри овқатланмаслик оқибатида ҳамда ошқозон-ичак системасининг нормал ишламаслиги натижасида турли хасталикларнинг ривожланишини исботлаб берган эди.

Дарҳақиқат, табобат илмидаги меросимиздан ҳам, сўнгги тадқиқотлар ҳам шуни исботламоқдаки, саратоннинг ҳарорати чиниқмаган киши организмига кескин таъсир этади. Бу шароитда тўғри овқатланмаслик камқонлик, асаб, юрак ва ошқозон-ичак хасталикларининг кескинлашувига сабаб бўлади.

Саратон ҳарорати киши соғлигига кескин таъсир кўрсатади. Чунки кун исиган пайтларда киши организмида сувнинг камайиши натижасида буйрак санчиб оғриши мумкин.

Организмга тушган ҳамма кимёвий моддалар, унинг яшаш жараёнидаги ортиқча мавжудотларни фақат буйраклар ташқарига чиқариб туради. Буйраклар соғлом бўлмас экан, боқий умр кўриш амри маҳол. Шунинг учун организмига заҳар каби таъсир этадиган спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик зарур. Алкоголь буйрак тўқималарини путурдан кетказади, қоннинг биокимёвий процесслари оқсил ва ёғ алмашинувини бузади. Спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш қоннинг қуюқланиш системаси фаоллигини оширади. Асабни заҳарлаб, буйрак қон томирлари устидаги назоратини пасайтиради.

Тамаки ҳам ўзининг заҳарли никотин моддалари билан алкоголдан қолишмайди. У ўпка орқали қонга ўтиб, буйрак тўқималари ва қон томирларини зарарлайди. Бу эса буйрак тўқималарининг кислород ва емишли моддалар билан таъминланишини чеклаб қўяди.

Маълумки, тери организмнинг ҳаёт фаолиятида катта роль ўйнайди: уни иссиқ-совуқдан ва турли хил хасталиклардан сақлайди, моддалар алмашинувида иштирок этади, касаллик пайдо қилувчи микроблардан эҳтиёт қилади. Тери организмда иссиқликни тартибга солишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Одам танасининг ҳарорати ташқи муҳит ҳароратидан кўпинча юқори бўлади, шу сабабли организм тўхтовсиз иссиқлик ажратади. Организмда иссиқликни мўътадил сақлаш учун эса кетган энергия ўрни доим тўлиб туради. Одам терлаганда тер билан бирга тузлар, шунингдек организм учун кераксиз зарарли моддалар алмашинуви жараёнида ажратилган маҳсулотлар чиқиб кетади.

Саратон ҳарорати ошқозон ширасини ҳам камайтириб юборади, дедик. Ошқозонда ширанинг камайиши унда таомларнинг яхши ҳазм бўлмаслигига олиб келади. Ҳазм бўлмаган таом яхши сингмайди. Шунга кўра иштаҳасизлик, қориндаги оғриқлар кишининг кайфиятини бузади. Таомлар енгил ва камқувват (калорияли) бўлиши керак.

Ўзбек олимларидан Носир Исмоилов ва Зулфия Умидовалар саратон кунларида юрак-қон томир системаси фаолиятини кўп одамларда текшириб, иссиқ иқлим шароитида қон босимининг тушиб кетишини кашф қилган эдилар. Бундай кишилар саратон кунларида қувватсизликдан, тинканинг қуришидан, тез чарчашдан, бош оғриғидан, бош айланишдан, юрак атрофидаги оғриқлардан, ҳаво етишмаслигидан, қўл ва оёқларнинг терлаб юришидан шикоят қиладилар. Касалликнинг бу асосий белгиларидан ташқари, беморларнинг томир уриши секинлашади, юрак тонлари пасаяди, қон томирларининг иш қобилияти бузилади. Бундай ҳолатда асосан бош мия, юрак-қон томирлари кўпроқ шикастланади. Шунга кўра, бемор ўрнидан турганида кўз олди қоронғилашиб, юрганда гандираклаб кетиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча кучли бош оғриқлар билан бошланади. Шуниси қизиқки, бундай одамлар ухлаб турганида, эрта билан одатдагича соғлом кишилардек ўзини тетик, бардам ҳис этиш ўрнига чарчаган, дармонсиз ҳамда қувватсиз сезадилар. Бора-бора кечқурунга бориб, бир оз иш қобилияти ошиб, дармонсизлик пасаяди. Бу олий асаб системаси — бош миянинг кислород билан кам таъминланишидир.

Саратон ҳароратига чиниқмаган одам организми анча мушкул аҳволни бошидан кечиради. Бунда ёз фаслида тўлиб-тошиб ётган витаминларнинг иссиқ иқлим таъсирида организмдаги бир мувозанатдаги хизмати бузилади.

Витаминлар организмнинг ишлаш қобилияти учунгина эмас, унинг тузилишида ҳам катта ўрин тутади. Қон томирлари деворларининг мустаҳкамлиги, юрак мушакларининг иш қобилияти, бош миянинг тузилиши ҳамда унинг яхши ишлашида витаминлар жуда керак. Булардан ташқари, организмда ёғ, қанд, оқсил ва бошқа кимёвий моддаларнинг ўзаро бўлиб турадиган реакцияларида воситачилик вазифасини бажаради.

Бинобарин, организмда витаминларнинг етишмаслиги, бу реакциялар мувозанатининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Витаминлардан ташқари, организмда бир қанча минераль моддалар ва микроэлементлар бўлиб, улар калий моддасининг манбаи ҳисобланади.

Халқимиз қадимдан беморларга «пишиқчиликка етиб олсанг, соғайиб кетасан» деб бекор айтмаган. Мева-чеваларнинг витамини ҳар қандай дардга ҳам даво. Полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари қон томирларининг майинлашишида, жигар, буйрак, меъда, ичак ва олий бош мия фаолиятининг яхшиланишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир кишининг соғлиғи ўзига боғлиқ. Тозаликка эътибор бермаслик натижасида касаллик келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас.

Гигиена ва санитария қоидалари турмушга сингиб кетиши, одат тусига кириши лозим. Саратон шароитида меҳнаткашлар соғлиғини сақлашда шахсий ва умумий гигиена қоидалари асосий вазифалардан биридир. Шахсий гигиена қоидаларига терини, оғиз бўшлиғини парвариш қилиш, кийим-бошни тоза тутиш, овқатланиш режимига, меҳнат билан дам олишни тўғри алмаштиришга риоя қилиш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш киради.

Ҳар бир одам ишдан кейин албатта душга тушиши, дарё, кўл, ёҳуд ҳовузда чўмилиши тавсия этилади. Кун бўйи ишлаш натижасида юз ҳийлагина кир бўлади. Кечқурун ухлашдан олдин юзни албатта илиқ сувда совунлаб ювиш керак. Қўл кўп ифлосланади, чунки қўл билан хилма-хил ишлар бажарилади. Кир, айниқса тирноқ остига тўпланади, унда турли микроблар, гижжа тухумлари ҳам бўлиши мумкин. Тирноқларни вақти-вақти билан олиб туриш зарур.

Аммо шуни унутмаслик кераки, офтобда чиниқаман деб дам олиш кунларида меъёридан ортиқ очиқ ҳавода ётиш хавфли. Бундай шароитда қуёшнинг ультрабинафша нурлари асаб ва юрак-қон томир системасига салбий таъсир этиши мумкин. Очиқ сув ҳавзасида чўмилишни ҳам кам-кам узайтириб, 15—20 минутдан оширмаслик зарур.

Кийим-бош ҳам саратонга мўлжалланган бўлиб, енгил оқ матолардан тикилган бўлса, қуёшнинг ультрабинафша нурларини салбий таъсирдан асрайди. Спорт билан шуғулланадиган кишилардек, сарв дарахти каби ҳушқомат бўлишга нима етсин. Ҳамиша тетик ва бардам бўлиш учун, касалликлардан ҳоли бўлиш учун кучли таомларни жуда тўйиб овқатланишдан ўзини тийиш, ёз неъматларидан меъёри билан истеъмол қилиш инсонга соғлиқ бахш этгандек кучига куч, умрига умр қўшади.

О. АЗИЗХУЖАЕВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Кўзингиздан нур аримасин

Баъзи кишиларнинг кўз милклари қизариб юради. Бу ҳодиса жуда кучли ёки жуда кучсиз нурда узоқ ишлаб кўзни толиқтириш, очиқ ҳавода, шамол ва офтобда кўп туриш, кўзга чанг кириши, шунингдек баъзи кишиларнинг кўзни бармоқ ёки дастрўмол билан ҳадеб ишқаб артавериши туфайли пайдо бўлади. Организмнинг қувватсизланиши, камқонлик, ўз вақтида овқатланмаслик ҳам кўз милкининг қизаришига сабаб бўлади. Бундай касали бор беморлар врач маслаҳати билан даволанишлари ва организмларини чиниқтиришлари керак.

Кўз милкининг узоқ вақт қизариб юриши — киприклар илдизи атрофидаги қон айланишини бузади, улар нормал озиқланмай қолади, натижада тўкилиб, сийракланиб қолади.

Кўз милклари яллиғланишининг олдини олиш учун баҳор ва ёз пайтларида қуёшдан сақловчи махсус кўзойнак тақиш, кўзни ҳар куни борат кислота билан артиб туриш керак. Агар кўз милклари яллиғланган бўлса, мойчечак ва чой дамламаси билан милкларни чайиш ёки примочка қилиб туриш яхши натижа беради. Кечқурун милкка синтомицин эмульсияси, биомицин мази суртиб ётиш, эрталаб борат кислотанинг илиқ сувдаги эритмаси билан тозалаб артиш керак. Шундай қилинганда одатда кўз милки тузалиб кетади. Бу тадбирлар кор қилмаса, албатта кўз докторига мурожаат этиш зарур.

Анна ЗЕГЕРС.

ДИЙДОР

ҚИССАДАН БОБЛАР

— Қизчамни? — ҳайрон бўлиб сўради Хосефа. Шу ердами? Ҳиндидан бўлган болангния?

— Ташвишланманг. Болам — испан.

Бу гапни эшитиб холаси йиғлаб юборди.

— Онангнинг ўлими менинг ғамимга яна ғам қўшди. Сира ғамнинг охири бўлмас экан-да. Гражданлар уруши тугай деб қолганда ўғлим Эмилио ҳалок бўлди. Балки у сўнгги курбонлардан бири бўлгандир.

Рамирес хоним бир зум бир нуқтага тикилиб турди-да, кейин тўсатдан деди:

— Энди қаерда яшайсан? Бу ерда тирикчилигингни қандай ўтказасан? Онангнинг ўлимидан кейин турист бўлиб келмагандирсан, ахир?

— Тўғри. Балки сиз бу ердами ё шаҳар квартирангиздами бир-икки кун ётиб туришга рухсат берарсиз? Кейин бирон иш ҳам топиб оларман.

— Эрингнинг олдига қайтмайсанми?

— Эрим ўша ерда қолишни истайди, менинг эса ўз юртимга қайтгим келаверди. Биз ажралишдик.

— Океан ортида шундай одатлар ҳам бор эканми? Агар иш қидирадиган бўлсанг, мен сенга маслаҳат беришим мумкин.

— Уколнинг вақти бўлди, — деган овози эшитилди нотаниш бир аёлнинг.

Хосефа хола уларни таништирди:

— Бу менинг жияним Селия бўлади, бу киши эса Тереса хоним бўлади.

Тереса қадди-басти тик аёл эди, устидаги қорамтир кўйлаги қаддини чиройли кучиб турарди. Аёлнинг чеҳраси ҳам анча кўҳлик эди, қарашлари димоғдор бўлмаса ҳам анча мағрур, жиддий ва нотабиий эди. Аёл Селия билан саломлашди, аммо назарида ишончсизлик акс этиб турарди. «Нега у менга ҳадиксираб қарайди?— деб кўнглидан ўтказди Селия.

Дори-дармонини олиб бўлгач, Рамирес хоним деди:

— Тереса, сиздан илтимос, тайёрлаган дастурхонингизни кўрсатсангиз.

Торгина узун залга бир неча кишилик дастурхон ҳозирланган. Дастурхонда турли-туман сопол идишлар қаторида биллур қадаҳлар билан бирга кумуш шамдонларда шамлар кўзга ташланади.

— Тереса, азизим, сен ҳамиша ҳам дастурхонни менинг кўнглимдагидек тузайсан. Автобуснинг шаҳарга жўнайдиган вақти бўлгунча, биз Селия билан кофе ичиб турамиз.

Тереса айвонга уларга кофе ҳозирлади. Хосефа хола куйиб-пишиб унга мурожаат қилди.

— Тереса, Тереса, сендан бир нарсани ўтинаман: сеньор Эфеварриадан ўзингни олиб қочма. У таклифимизни фақат сени деб қабул қилди. Ахир сен билан бу тўғрида неча марталаб гаплашганмиз-ку. Сенинг ёшингда сеньор Эфеварриадан ортиқроқ хуштор, яъни куёв тополмайсан. Унинг ниятлари жиддий. Сен менинг жиянимдан ибрат ол. Боласи борига қарамай, эрини ташлаб келибди. Сен бўлсанг ўша биринчи эрингга ўла-ўлгунингча аза тутмоқчисан.

Тереса билан Селия ярқ этиб бир-бирларига қараб олишди. Иккаласи ҳам бир-бирининг кўзидан: бу аёл нималар деб валдираяпти, деган маънони ўқишди.

XI

— Е қудратингдан! Мунча саҳаргез бўлмасаларинг! — деди ҳайрон бўлиб Конча Селиянинг қизчаси билан барвақт туриб, шаҳар кезгани чиқиб кетишаётганини кўриб. Бегона юртларда юриб соғиниб қолган эмасми, Селия тонг шудрингини эмиб ётган ясмин уфоридан маст эди. Луиса ҳам онасига тақлид қилади. Аввалига Селия ўзини барча ғам-ташвиш, ғийбат, ола қарашлардан озоддек ҳис этди. Улар тинчгина кварталдан ўтишди. Селия баъзан қизчаси билан қувлашмачоқ ўйнар, кейин бирон муюлишда худди излаб юрган одами шу ерда рўпарасидан чиқиб қоладигандай, ҳайкалдай қотиб туриб қоларди.

Шаҳарнинг бу қисмидаги уйлар сергаклик билан сукутга чўмгандек озода, виллалар, уч, тўрт қаватли даромадли уйлар— ҳаммаси жимжит. Селия қизчаси билан кичкинагина бир оромгоҳда дам олгани ўтиришди. Агар кабутарлар галасини ҳисобга олмаганда, улар боғда биринчи меҳмон эдилар. Тўсатдан қаердандир жулдур кийимли кампир пайдо бўлди, у Селиянинг қўлига қараб фол очмоқчи бўлди. Кампир, афтидан кечаю кундуз битта-яримтанинг келиб қолишини кутса керак. Селия йўқ демай қўя қолди: йўқ, деса гап кўпаяди, деб ўйлади. Кампир Луисанинг қўлчасидан ушламоқчи бўлаётганида Селия ўзига келди ва унга икки танга тутқазди. Энди улар боғда ёлғиз эмасдилар. Турли касб эгалари — сартарошлар, нонвойлар, дўкон дастёрлари ишга чиқиб, у ер-бу ерда икки-учтадан бўлиб гаплашиб туришарди. Пойафзал тозаловчилар нари-нарида оёқларни кузатиб, ўзларига иш кутмоқдалар.

Селиянинг кўзи шохлар ортидан почта биносига тушди. Кўзи шу бинога тушди-ю, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди: демак, у ёлғиз эмас. Шу ердан Жаклинга открытка жўнатса бўлади. Қани энди шундай қилиб бўлса! Жаклин, яъни унинг Париждаги дугонаси Селия ва Франциядаги испан группаси ўртасидаги алоқани боғлаб туриши лозим эди. У ерга тажрибали одамларни жўнатишга қарор қилингандан бери Антонио Мендес ҳам Парижда ишлаётганди.

Қонли жаҳон урушидан кейин, қисқа танаффусдек, одамлар нафасини ростлаб улгурармас, совуқ уруш бошланди. Бу совуқ уруш огоҳлантиришсиз, тўсатдан бошланди, сургун, бир-бирига ишончсизлик, антисоветизм руҳи билан суғорилган хатти-ҳаракатлар кўплаб мамлакатларга ёйилди. Мексикадаги айрим муҳожирлар қўрққан ишлар ҳозир Испанияда ҳамма ерда, очиқдан-очиқ давом этмоқда эди. Франко ҳуқуқни қўлга тўла олволиб, партизанларни таг-туги билан йўқ қилиш у ёқда турсин, барча республикачиларни таъқиб остига олган эди. Республикачиларга олдинми ё ҳозирми бирон-бир алоқаси бор ҳар бир кишини биттама-битта қўлга олмоқда эди.

Луиса кафтчасидаги чизиқларни диққат билан кўздан кечириб ўтирар эди, буни у фолбин аёлдан ўрганиб олган. Кейин Конча қўлига тутқазиб юборган прянигини кавшай бошлади. Селия эса ўз хаёлларига ғарқ эди. «Мени бу ерда қандай қидириб топишади? — деб ўйларди у.— Қандай иш топширишаркин? Бу квартирада узоқ қолиб кетишим тўғри келмайди».

Луиса шаҳардаги квартирага қайтиб келганларида Хосефа холани кўриб ҳайрон қолди. Холанинг устидаги кўйлак анча оддийгина бўлса ҳам, ёқасига турли ялтироқ тақинчоқлар тақилган, у стулда қаддини тик ушлаганча ўтирарди. Хола билан қизалоқ жиддий кўз уриштириб олдилар. Сеньора Рамирес қизчанинг бошини қўл учидагина силаган бўлди.

— Ҳали шундай қизалоғим бор дегин? Буни қара-я, агар қизиллар менинг Эмилиомни ўлдиришмаганда, мен ҳам неваралик бўлган бўлар эканман-а. Селия, биз сен билан бир нарсани гаплашиб олишимиз керак эди. Конча! Сен қизчага қараб тургин! Сен Рамиреснинг фирмаси билан боғлиқ бўлган текстиль билан савдо қиладиган фирмадан унча катта бўлмаса ҳам анча масъулиятли иш оларсан, деб умид қилиб турибман. У ерда ишга фақат ишончли одамларнигина олишади. Менинг тавсиям сен учун етарли ишонч бўла олади. Улгуржи савдонинг хўжайини сеньор Бордатеги меникида меҳмон бўлган эди. Мен шу қулай фурсатдан фойдаланиб қолдим.— Хосефа Рамирес Селиянинг юзига жиддий қараб қўйди. — Дастлабки маоша сенга кам бўлиб туюлиши мумкин, тирикчилигинг унча дуруст бўлмайди. Шунинг учун ҳам мен сенга янги қурилаётган уйдан унчалик қиммат бўлмаса ҳам анча шинамгина квартира гаплашиб қўйдим. Менинг бу шаҳар квартирам меҳмонларим учун ҳам, ўзим учун ҳам ҳамиша бўш туриши керак. Дастлабки вақтларда қизчангни Кончага қолдириб турарсан. Фақат дастлабки вақтлардагина. Кейин уни Санта-Клара ибодатхонасидаги мактабга олиб бориб берасан. Ахир қизчангнинг ўқишини, қизчангнинг исми нима эди, Луиса, ҳа, Луисанинг испан мактабида ўқишини ўзинг ҳам истаётган эдинг-ку. Ҳаммасини тушуниб олдингми?

— Ҳа, Хосефа хола, ҳаммасини тушундим. Сизга катта раҳмат.

Селия ўйларди: «Хосефа холамнинг мени қандайдир бир идорага жойлаб қўяётгани яхши бўлди. Испан дўстларимга фойдам тегиши мумкин, янги квартирага жойлашиб олишим билан эса Жаклинга хат ёзиб юборишим мумкин бўлади». Унинг хаёлидан сира бир фикр нари кетмасди: агар дўстларини топиб олса, балки Альфонсо тўғрисида ҳам бирон нарсани билиб олармиди.

Хосефа хола Селиянинг барча топшириқларига дарров кўнақолганига ҳайрон бўлиши ҳам мумкин эди лекин у ҳеч ким гапини икки қилиб ўрганмаганига, бунга ажабланмади ҳам.

Контора хизматчилари аввалига Селияга гумонсираб қарашди. Орадан кўп ўтмай унинг кимнинг қариндоши эканлиги маълум бўлди. Сеньора Рамирес нега жиянини бу ерга ўрнаштирди экан, деб ҳайрон бўлишди улар. Секин-аста майда-чуйда гаплар барҳам топди, чунки Селия барча билан хушмуомала, ширинсўз эди, бирон нарсани тушунмай қолса, уялиб ё тортиниб ўтирмай, сўраб қўя қоларди. Буни у узоқ йиллар давомида ўз касби бўйича ишламаганидан, деб изоҳларди. Шунинг учун ҳам у ҳамкасабаларининг маслаҳатларига тез-тез муҳтож бўлиб туради.

Луиса Конча дастлаб ёлғиз қолган куни роса йиғлади. Кейин у билан индамай қолаверадиган бўлди. Е кўплаб нотаниш одамларнинг ичида Конча унга қадрдондек бўлиб қолди, е бўлмаса, шундай қилиши зарурлигини тушуниб етди.

Селия янги уйга кўчиб ўтганидан кейин Конча Луисани келиб олиб кетадиган бўлди. Селия ҳам, Луиса ҳам Кончага ёқишарди. Аммо у сеньора Рамиресга жуда содиқ эди. У бекасининг топшириғи билан Селиянинг квартирасига бир оз эски жиҳозлардан олиб бориб берди.

Дастлабки кўчиб ўтган кунларида. Селияга янги квартираси анча дуруст бўлиб кўринди, чунки у биринчи бўлиб кўчиб борганлардан эди. Каттагина ҳовли, йўлканинг икки чеккасида икки туп пальма, чиройли ишланган фаввора. Конча шоша-пиша келиб, бугун сеньора Рамиреснинг хизматида бўламан деб, бир ўпиб қайтиб кетаётганида, Луиса шу ҳовлида ўйнаб юрган бўлар эди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, уй эгаларига тўлиб кетди. Гул жўякларини босиб-янчиб ташланди. Фавворани ўчириб қўйишди. Селия ишдан қайтганида шовқин-сурон, кулги, гитаранинг овози, сўкишишлар авжида бўларди. Шу кўпол-сўпол, ёқимсиз овозлар ичидан бирдан қиёси йўқ ёқимли овоз эшитилиб қоларди. Шунда бир дақиқага ҳамма жим бўлиб қолар эди. Кўпинча одамларнинг ўртасида нимадандир уруш чиқиб кетарди. Ҳамма бу урушни диққат билан кузатиб, яна: «Қани, ҳа, яна бир сол!» деб гиж-гижлаб ҳам қўйишарди. Кейин яна ўша ажойиб ёқимтой овоз эшитиларди. Селия кейин билса, бу овоз ишдан келганидан кейин тўполон қилишни яхши кўрадиган ёшгина бир йигитники экан. Бу ерда истиқомат қилувчиларга уй эмас, квартиралар ҳам торлик қилиб қолди, ҳамма ўзини ҳовлига урадиган бўлди. Селия бу ерда ҳам ширинсўзлигини қўймади.

Жаклиндан жавоб хати келганида, у ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Энди Парижда менинг қаерда туришимни билишади. Энди мен ҳеч қаерда, ҳеч қачон ёлғиз бўлмайман». Жаклин эҳтиёткорлик юзасидан Андайдан Испан Пиренеяларига бир кунга саёҳатга чиққан эди.

Селия ишдан қайтаётганида, уни чақириб тўхтатишди:

— Сизга хат бор.

Почтальон олиб келадиган открытка бу ерда қўлма-қўл ўтарди, гўё бу уйнинг барча аҳолиси битта хонада яшайдигандай. Бу уйда аҳвол-шароити Селияникидан ҳам оғирроқ бўлган конторачилар ҳам, ҳунармандлар ҳам, кунларини бир амаллаб, амал-тақал қилиб ўтказадиган сотувчилар, майда почта ва темир йўл хизматчилари ҳам истиқомат қилишарди. Улар кун-бакун ишдан ҳайдалишдан хавотирда яшардилар. Бу уйда истиқомат қилувчилар орасида ярим оч ҳолда яшайдиган ишсизлар оиласи ҳам бор эди. Бу оилалар чорасизликдан ахири квартираларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур эдилар.

Аммо кечқурунлари ҳаммалари биргалашиб хурсандчилик қилишар, уришишар, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, қўшиқ айтишар, Селияга қараб:

— Ҳой жонон! Эринг қаёқларда қолиб кетди? — деб қичқиришарди. Селия ортиқча саволлардан қочиб, эрим денгизчи, деган эди қўшниларига.

(ОХИРИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Лола ТОЖИЕВА таржимаси.

10 Справкалар бюроси
Хатларга жавоб берамиз

Р. МУҲАМЕДОВ: Мен ўзим ишлайдиган ишхонада касаба союз аъзолиги бадалларини тўламаганман. Шу боисдан мени узоқ вақт мобайнида касаба союз аъзолиги бадалларини тўламаган шахсларга қарши бир чора кўрилиши лозимлиги масаласи кўтарилди. Бундай шахслар касаба союзидан чиқарилиши мумкинми? Шулар ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Касаба союзлари Уставининг учинчи бандида касаба союз аъзолари аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туришлари кераклиги уқтириб ўтилган. Шу сабабли узрсиз равишда узоқ муддат (уч ойдан ортиқ муддат) аъзолик бадалларини тўламаслик Уставнинг бузилиши ҳисобланади.

Шундай ҳолларда касаба союз органларининг (мажлисларнинг) қарори билан аъзолик бадалларини тўламаган қарздор шахсга тарбиявий ва жамоат таъсири чоралари қўлланилиши яъни огоҳлантириш, танбеҳ бериш, йўл қўйган ишни унга уқдириш, выговор берилиши мумкин. Энг сўнгги чора сифатида бундай шахслар касаба союздан ўчирилади.

Д. ШАРОПОВ: Отам пенсия оладилар. Бир ойдирки улар касалхонада даволанмоқдалар. Шундай пайтларда отамнинг пенсияларини мен олиб келишим мумкинми?

Жавоб: Агар пенсионер касаллиги туфайли пенсиясини ўзи шахсан бориб ололмаса, бундай ҳолларда унга пенсия ишонч қоғози билан тўланади. Лекин шуни айтиш керакки, бундай ишонч қоғози билан пенсия кетма-кет уч ой мобайнида тўланиши мумкин. Ишонч қоғозини пенсионер даволанаётган даволаш муассасасининг маъмурияти тасдиқлаши керак. Ишонч қоғози бундай ҳолларда шифохона муассасаси томонидан (масалан, бош врач ва печать билан) имзо қўйилиб тасдиқланиши лозим. Уч ойлик муддат тугагандан сўнг эса бундай ишонч қоғози қайтадан ёзилиши керак.

Б. АДҲАМОВ: Маълумки, ўтган йили Москвада ўтказилган Олимпиадада ўйинларида Чехословакия футболчилари Олимпиада чемпиони бўлишди. Хўш, айтингчи, қачондан бошлаб спортнинг футбол тури Олимпиада ўйинлари программасига киритилган? Биринчи чемпион ким бўлган?

Жавоб: Узоқ вақтларгача футболни II Олимпиада программасига киритилган деб ҳисоблашар эди. Дастлабки чемпион сифатида Буюк Британия командаси ҳисобланар эди. Лекин 1976 йили Халқаро футбол федерацияси—ФИФА ўзининг расмий бюллетенида Олимпиада футбол турнирлари туғилган куни 1896 йилдан бошлаб ҳисоблаш керак, деган гапни эълон қилди. Ўшанда Афинада биринчи Олимпиада ўйинлари ўтказилган эди. 1896 йили Афинада Дания ва Греция командалари ўзаро беллашган, бу учрашувда даниликлар 9:0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Ана шундан келиб чиқиб, Халқаро футбол федерацияси даниялик футболчиларни футбол бўйича Олимпиададаги биринчи чемпион деб эълон қилди.

С. ЮСУФЖОНОВ: Мени бир масала қизиқтиради: ҳали 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга отпуска бериш тартиби қандай? Улар қай пайтда отпускага чиқишлари керак?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қонунлари кодекси 86 ва 207-моддаларига мувофиқ, 18 га тўлмаган ишчи ва хизматчиларга ҳар йилги отпусклар ёз пайтида ёки бундай ишчи ва хизматчиларнинг хоҳишига кўра йилнинг исталган пайтида уларга берилиши мумкин.

● «Пахтакор»нинг рақиблари

«ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса)

БУГУН футбол бўйича мамлакатимиз биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган «Пахтакор» Одесса шаҳрининг «Черноморец» командаси билан навбатдаги тур учрашувини ўтказади.

«Пахтакор»нинг бугунги рақиби бўлган клубга 1958 йилда асос солинган. У 1965 йилдан буён олий лига составида қатнашиб келмоқда. Тўғри, команда 1971 — 1973 йилларда биринчи лигада баҳс юритишга мажбур бўлган.

Одессалик футболчилар 1974 йилда энг яхши натижага эришганлар. Улар ўша йили мавсумни учинчи ўринда якунлаб, бронза медали билан тақдирланганлар. 1967 йилги мавсум команда учун омадсиз бўлган. Ўша йили «Черноморец» 18-ўринни эгаллаган.

Одессалик футболчилар турли йилларда катта футбол совринлари билан тақдирланишган. Жумладан, 1948, 1966, 1974 ва 1976 йилларда «Адолатли ўйин учун», 1974 йилда «Прогресс Кубоги», 1976 йилнинг кузида «Ғалабага бўлган ишончи учун» совринини қўлга киритишган.

Виталий Шевченко «Черноморец» командаси составида энг кўп марта майдонга чиққан ва энг мерган ҳужумчи ҳисобланади. У команда шарафини икки юз марта ҳимоя қилган ва рақибларнинг дарвозасига 50 марта тўп киритган.

1974 йилги мавсумда рақибларнинг дарвозасига 13 марта тўп киритган спорт мастери Владимир Макаровнинг рекордини ҳозиргача команданинг ҳеч бир ўйинчиси такрорлашга муяссар бўлган эмас. Маълумки, бу ҳужумчи Душанбанинг «Помир», Тошкентнинг «Пахтакор» командаси составларида ҳам ўйнаган эди.

Турли йилларда «Черноморец» командасининг ўйинчилари мамлакат терма командаси составида майдонга чиқишган. Уларнинг орасида В. Поркуян ҳам бор. У Англияда бўлган жаҳон чемпионатида икки марта терма команда составида майдонга чиққан. В. Лешчук ва В. Лисенко бир мартадан терма команда составида ўйин ўтказишган. 15 учрашувдан сўнг команданинг активида 12 очко бор. 13 марта рақиблар дарвозасига тўп киритилди. Спорт мастери В. Плоскина уч марта рақиблар дарвозасини нишонга олган. Шуниси қизиқарлики, у бу тўпларнинг ҳаммасини ўн бир метрли жарима белгисидан дарвозага йўллаган. Ю. Горячев, В. Шевченко, В. Устимчик икки мартадан дарвозага тўп киритишган. Марказий армия спорт клуби билан бўлган учрашувда илк марта дарвозани нишонга олган ёш ҳужумчи И. Шарийнинг ҳисобидаги тўплар ҳам иккитага етди. 20 ёшли И. Беланов бир марта дарвозани нишонга олган.

Бу йилги мавсумда «Черноморец» командасидаги интизомни унчалик яхши деб бўлмайди. Ўзини тутишни ҳали яхши ўрганмаган ҳимоячи Петр Чилиби бир марта майдондан чиқариб юборилди ва икки марта огоҳлантириш олди. Яна бир ҳимоячи И. Буланкин ҳам судьялардан икки марта огоҳлантириш олган.

«Черноморец» кейинги учрашувларни юқори савияда ўтказаётганлиги кўриниб турибди. Агар одессалик футболчилар ўнинчи турга қадар тўрт очко тўплаган бўлишса, кейинги олти учрашувда ўз активларига 8 очко ёзишга муваффақ бўлишди.

Командага устозлик қилаётган энг машҳур тренерлардан бири хизмат кўрсатган спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Никита Симонян шогирдларини яхши ўйин кўрсатишга ҳозирламоқда.



СУРАТДА: дарвоза олдида хавфли вазият.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ
ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИЯ АГЕНТЛИГИ

АҲОЛИГА ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ТАШИБ БЕРИЛАДИ

Бизнинг агентлигимиз паррандалар ва қора молларни бозорларга ва боғли участкаларга, шунингдек асалари уяларини ёзлик боқиладиган жойларга ташиб бериш билан ҳам шуғулланади. Тошкент области, Калинин райони, Назарбек поселкаси. Телефонлар: 46-89-66, 46-89-87, 46-78-07.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАШИБ БЕРИЛАДИ

транспорт экспедиция агентлиги сизнинг участкангиз қурилиш майдонига ғишт, ёғоч, бўлинган тош ва бошқа қурилиш материалларини ташиб беради. Бундай хизмат кўрсатишда юкларни ортиб ва тушириб беришнинг барча комплекси бажариб берилади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилинг: 46-78-07.

БЎЛИНГАН ТОШ Жиззах шаҳрида, 32-75 телефони бўйича.

ЕҚИЛҒИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Агарда сиз ўз вақтида хонадонингизни қишда иссиқ ва файзли қилиш ниятида бўлсангиз бу ҳақда ўз вақтида тараддуд кўринг.

Телефонда буюртма беришингизнинг ўзи кифоя. Кўмир ёки ўтин кўрсатилган адрес бўйича транспорт воситасида хизматнинг бундай усулини бажаришётганда юкларни ортиш ва туширишни батамом ўз зиммаларига оладилар.

Маълумотлар олиш учун ушбу телефонга мурожаат этинг: 46-78-07.

ТАКСИ БУЮРИБ БЕРИШАДИ

Такси — транспортнинг жуда ҳам қулай ва узоқни яқин қиладиган тури. «Сервис» агентлигига телефонда олдиндан буюртма бериб, белгилаган кунингиз ва соатингизда сизни барча қулайликлар билан айтган манзилингизга элтиб қўйишдан кўнглингиз хотиржам бўлади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар сизнинг хизматингизда: 39-99-01, 39-99-09.

НАМУНАЛАР БЎЙИЧА ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Тошкент шаҳрининг олтита мебель магазинида намойиш майдончалари ташкил этилган бўлиб, уларда ошхона мебелларининг намуналари қўйилган.

Буюртмачи ўзининг кўнглига манзур бўладиган мебелни танлаши ва магазиннинг ўзида сотиб олинадиган молни манзилга етказиб бериш юзасидан буюртма бериши мумкин.

Буюртирилган мебель ана шу маҳсулотни тайёрловчи заводнинг ўзидан (магазин иштирокисиз) мебелни йиғилган ҳолда харидорнинг уйига етказиб беради.

Хизматнинг бу тури 3-агентлик бажаради.

Малакали юк ташувчилар мебелларни исталган қаватга олиб чиқадилар ва Сизнинг кўнглингиздагидек қилиб квартирангизга жойлаштириб беришади.

МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

28 — Оқтепа майдони.
10 — Фарҳод кўчаси.
50 — Сельмаш кўчаси.
63 — Б. Хмельницкий кўчаси.
14 — «МЕБЕЛЛАР УЙИ» Тракторсозлар массиви.

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ СИЗНИНГ ИХТИЁРИНГИЗДА

Агентлик ходимлари ёш келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари ва ёшларнинг тантанали маросимлари учун байрамона безатилган «Чайка», «Волга» маркали енгил машиналарни сизнинг ҳурматли меҳмонларингиз учун бериб қўйишади.

«Сервис» агентлигида ва унинг филиалларида бепоён она-Ватанимизнинг исталган шаҳар ёки қишлоғига тўғи саёҳати учун путевкаларни сотиб олишингиз мумкин. Ана шу ернинг ўзида шаҳарлараро автобуслар ва самолётлар билетларини уйингизга элтиб бериш юзасидан бемалол буюртма бераверасиз.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-80-12.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАШИБ БЕРИЛАДИ

Барча колхоз бозорларининг территорияларида жойлашган агентликнинг қабул пунктларида сабзавотлар ва мева-чеваларни уйингизга, боғли участкалардан эса бозорларга олиб бориб бериш юзасидан буюртма берсангиз бўлади.

«ТЭА» белгили мослаштирилган машиналар Сизнинг хизматингизда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-53-93, 46-89-86, 46-78-07.

ГИЛАМ ВА ГИЛАМ ПОЁНДОЗЛАР ЭЛТИБ БЕРИЛАДИ

Бизнинг агентлигимиз хизматнинг янги усулидан фойдаланишингизни таклиф қилади.

Хизматимизнинг ходимлари гилам буюмларини «Химчистка» фабрикасига олиб бориш ва тозаланган кейин қайтариб олиб келишни тўла-тўкис бажариб берадилар.

БАРЧА МАРКАДАГИ АВТОМАШИНАЛАР

РЕМОНТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Шиналарнинг янгисини сотиб олиб ўрнатишдан кўра уни қайта тиклаган афзалроқ.

Маълумотлар олиш учун телефон: 41-80-21.

МЕҲМОНХОНАЛАРДА ЖОЙ БАНД ЭТИЛАДИ

Серқуёш Ўзбекистоннинг қадрдон истиқоматчилари ва меҳмонлари!

Сиз «Сервис» агентлигига бориб мамлакатимизнинг 145 та шаҳридан бирортасидаги қулай меҳмонхоналарда ўзингизга жойни банд эттиришингиз мумкин.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-80-14, 41-80-15.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/VI да **Алмандар**, 25/VI да **Кузнинг биринчи куни**, 26/VI да **Олтин девор**.

КИНО

24 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АФГОНИСТОНДА РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА» — **Санъат саройи** (18, 20.30).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18, 20.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30, жавоб берувчи автомат 44-39-51).

«АЗИМ ДАРЁ СОҲИЛИДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат — 77-06-20).

«МАРИЯ МАДИЧИ ҚУТИСИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат 46-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Дружба** (тоқ соатларда) **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ИБЛИС УЯСИДА» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Восток** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

25 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18, 20.30).

«АФГОНИСТОНДА РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18, 20.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30, жавоб берувчи автомат 44-39-51).

«АЗИМ ДАРЁ СОҲИЛИДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат — 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«МАРИЯ МЕДИЧИ ҚУТИСИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат 46-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ИБЛИС УЯСИДА» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«АПРЕЛНИНГ 30 КУНИ» — **Восток** (тоқ соатларда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
24 июнь соат 19.30 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
олий лиганинг
«ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР «Минмонтажспецстрой»
«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг
ОҚҚЎРҒОҚ ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА
вентиляция бўйича 2 ва ундан юқори разрядли бўлган слесарь-монтажчи

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай, иш кўчма характерда бўлгани учун 20 процент қўшимча қўшиб берилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Чирчиқ шаҳри, 3-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 12-уй.

Ўзбекистон ССР «Минмонтажспецстрой» базасига қарашли
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йили учун
Қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Слесарь-сантехник-газ пайвандчи, слесарь-вентиляциячи, электр-газ пайвандчи, электр пайвандчи, химия ва нефть-химия саноати ускуналари бўйича монтажчи, токарь, машинист крановщик, автослесарь.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Билим юртига 8— 10 синфни тамомлаган ўғил-қизлар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга билим юртини битирганлиги ва ўрта маълумот ҳақида диплом ва 3 —4 разрядга эга бўлганлиги тўғрисида ҳужжатлар берилади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчиларга 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (26-автобус, 15-маршрутли таксининг «Поликлиника» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
экономистлар, бухгалтерлар, инженер-конструкторлар, таъминот бўлими ошлиғи, токарлар, слесарь-ремонтчилар, созловчилар, қурилиш ишчилари. Елғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАРГА
бухгалтерлар; ишлаб чиқариш бўлимига, таъминот бўлимига инженерлар; пахтани дастлабки қайта ишлаш бўйича механиклар, технологлар, математик—программистлар, лаборантлар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА
ғишт ишлаб чиқариш бўйича инженер-механиклар, технологлар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА
катта инженерлар, инженерлар, техник-нефтчилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
сигарета машиналарининг слесарлари, электрчилари, бухгалтерлар, юк ташувчилар, токарлар, машинистлар; юқорида кўрсатилган ишчи касбларига шогирдлар. Хизмат транспорти ишчиларини ишга олиб боради.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
образив гардишларининг формовкачилари, токарлари, қуювчилари; слесарь-ремонтчилар, сантехниклар; электр монтёрлар, ўта қаттиқ металларнинг пресспекальщиклари, образив материалларини сараловчилар. Елғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАЛАРИГА
ғишт терувчилар, бетончилар, электр пайвандловчилар, монтажчилар, дурадгорлар, ҳар хил ишчилар. Елғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
ғишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ —Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

24 ИЮНЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

17.35 Мари АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 18.25 «Фан оламида». 18.55 РСФСР халқ артисти Н. Безродний чалади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.50 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Камал». Бадиий фильм. 2-қисм. 1-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

17.40 «Оптимизм қонуни». Илмий-оммабоп фильм. 19.30 РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирокида уруш йиллари қўшиқлари. 20.10 «Энг муҳим тезлик». Илмий-оммабоп фильм. 20.30 С. Франк. Ре минор симфонияси. 21.15 «Туғинингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Балет артистларининг тўртинчи Халқаро конкурси. 3-тур. 2-кун. СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. «Мусобақа — омма ижоди». 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Черноморец» (Одесса). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 21.15 «Ахборот» (рус.). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бутун куч — гўза парваришига». 22.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро ахвол кундалиги. 22.35 А. Бампилов. «Меҳмонхонадаги ҳангома». Телеспектакль.

25 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40. Эрталабки гимнастика. 10.05 «Камал». Бадиий фильм. 11.45 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.45 «Болгада бир қоя бор». РСФСР халқ артисти Л. Сметанников иштирокида фильм-концерт. 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20. «Ҳар биримиз учун нон». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 Болалар учун. «Самбреро». Бадиий фильм. 17.45 Ҳозирги замон кўп кураши бўйича Халқаро турнир. Отиш. Кросс. Миндан олиб кўрсатилади. 17.45 Мозамбик халқининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. Кинопрограмма. 18.15 «Ўсмирлар ижоди». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Булутлар остидаги қўриқ». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент). 19.45 «Марк Рейзен ижросида...». Фильм-концерт премьераси. 20.20 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Камал». Бадиий фильм. 2-қисм. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Балет артистлари тўртинчи Халқаро конкурсининг якуловчи концерти. 1-бўлим. СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Давр буёқлари». «Васильевлик Васильев». 10.30 «Сиз бунга қодирсиз». Ёш ихтирочилар конкурси. 11.15 «Горячилар, қаердасиз?». 11.45 Мозамбик Халқ Республикаси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.30 Болалар учун. «Ҳайвонларни ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм. 13.45 Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 15.00 «Звездочёт» телевизион журнали. 15.45 Киев Давлат филармонияси «Гармония» камер ансамбли чалади. 16.20 А. С. Пушкин «Мис чавандоз». 17.10 «Апсни —67» вокаль-чолғу ансамбли куйлайди.

17.25 «Биз ВАМни қураямиз». 19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Халқаро мавзуларда суҳбат КПСС Марказий Комитети Халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятининг чиқиши. 21.15 «Туғинингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Лиманинг бахти». Бадиий фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Дилли-Далли Муркин паркида». Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Зангори экран» почтаси». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Йил буёқлари». Телефильм. 20.00 «Турмуш ва маданият». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ижод гулшани». Кўрсатувни Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир А. Орипов олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Қорақалпогистон санъат усталари ва ижрочи ёшлари — Татаристон АССРда Қорақалпогистон АССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларининг концерти. (А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи газ хўжалиги системасининг кекса ходими
Евгений Владимирович КРИВОХИЖИНнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши—22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, маориф ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

24 ИЮНЬ, 1981 й. Р— 15025. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В—2153. 6